


Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2026 йил январь-март ойлари учун

- I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми
- II. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида
- III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш
- IV. Услубий тушунтиришлар

I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми **63 384,3** млрд сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – **59 780,7** млрд сўмни, ўрмон хўжалиги – **3 063,5** млрд сўмни, балиқчилик хўжалиги – **540,1** млрд сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида 2026 йилнинг январь–март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати



II. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (**109,7 %**), Сирдарё (**107,8 %**), Бухоро (**106,0 %**), Андижон (**105,7 %**) ва Навоий (**105,4 %**) вилоятларида қайд этилди.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси (**102,4 %**), Тошкент (**102,4 %**), Жиззах (**104,2 %**), Фарғона (**104,4 %**) ва Наманган (**104,6 %**) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот
(хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида**

	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	63384,3	105,1
Қорақалпоғистон Республикаси	2008,1	102,4
Андижон вилояти	5236,1	105,7
Бухоро вилояти	5820,1	106,0
Жиззах вилояти	4452,5	104,2
Қашқадарё вилояти	5273,8	104,8
Навоий вилояти	3442,0	105,4
Наманган вилояти	4065,6	104,6
Самарқанд вилояти	8126,7	105,3
Сурхондарё вилояти	5231,8	109,7
Сирдарё вилояти	2045,8	107,8
Тошкент вилояти	7396,8	102,4
Фарғона вилояти	5188,2	104,4
Хоразм вилояти	5096,8	105,0

III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

2026 йилнинг январь-март ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **58 451,8** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **104,8 %** ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари **3 867,5** млрд сўмни (**127,4 %**), чорвачилик маҳсулотлари **54 584,3** млрд сўмни (**103,3 %**) ташкил қилди.


Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (**7 642,3** млрд сўм), Тошкент (**6 664,1** млрд сўм), Бухоро (**5 589,8** млрд сўм) ва Сурхондарё (**5 000,1** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча, кам ҳажмга эга ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси (**1 751,5** млрд сўм), Сирдарё (**1 790,8** млрд сўм) ва Навоий (**3 098,8** млрд сўм) вилоятларини келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (**109,7 %**), Сирдарё (**107,7 %**), Бухоро (**105,8 %**) вилоятларида қайд этилди.

Тошкент (**101,8 %**), Фарғона (**103,9 %**) ҳамда Наманган (**104,0 %**) вилоятларида эса бошқа ҳудудларга нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **81,6 %**и деҳқон ва томорқа хўжалиklarига, **8,2 %**и фермер хўжалиklarига, **10,2 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш

	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	3867,5	127,4
Қорақалпоғистон Республикаси	143,5	129,5
Андижон вилояти	291,8	128,7
Бухоро вилояти	429,2	140,3
Жиззах вилояти	156,0	151,7
Қашқадарё вилояти	262,0	125,9
Навоий вилояти	136,4	139,6
Наманган вилояти	215,2	127,0
Самарқанд вилояти	243,6	133,4
Сурхондарё вилояти	865,3	144,7
Сирдарё вилояти	165,6	138,4
Тошкент вилояти	469,4	100,9
Фарғона вилояти	303,7	113,8
Хоразм вилояти	185,9	103,0

Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши





**2026 йил январь-март ойларида етиштирилган асосий турдаги
деҳқончилик маҳсулотлари (тонна)**

	Сабзавотлар	2025 йилнинг мос даврига нисбатан, %да
Ўзбекистон Республикаси	101 891,4	129,0
Қорақалпоғистон Республикаси	435,1	129,5
Андижон вилояти	4 861,5	135,2
Бухоро вилояти	11 943,2	140,3
Жиззах вилояти	1 537,1	151,7
Қашқадарё вилояти	4 149,9	125,8
Навоий вилояти	6 000,7	142,7
Наманган вилояти	3 225,3	129,4
Самарқанд вилояти	3 090,5	138,2
Сурхондарё вилояти	34 697,7	144,3
Сирдарё вилояти	2 416,2	138,4
Тошкент вилояти	13 739,2	102,2
Фарғона вилояти	9 894,9	119,1
Хоразм вилояти	5 900,1	103,0

Жорий даврда сабзавотларнинг **9,6 %**и фермер хўжаликлари, **51,2 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **39,2 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан етиштирилган.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

2026 йилнинг январь-март ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми **54 584,3** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **103,3 %**ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (**7 398,7** млрд сўм), Тошкент (**6 194,8** млрд сўм), Бухоро (**5 160,6** млрд сўм), Қашқадарё (**4 715,9** млрд сўм) ва Фарғона (**4 623,5** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча, кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (**1 625,2** млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (**1 608,0** млрд сўм) ва Навоий вилоятини (**2 962,4** млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (**104,9 %**), Хоразм (**104,7 %**), Самарқанд (**104,1 %**), Навоий (**104,0 %**) вилоятларида қайд этилди.

Кўриб чиқилаётган даврда тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **102,9 %**, соғиб олинган сут **104,1 %**, олинган тухум **105,7 %**, қирқиб олинган жун **128,9 %**, олинган қоракўл тери **105,0 %** ни ташкил қилди.



Етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Миқдори	Ўсиш (камайиш) суръати, %да
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	580,2	102,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	40,3	123,4
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	483,6	99,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	56,3	121,5
Сут, минг тонна	2 142,2	104,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	209,2	131,2
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 879,4	101,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	53,6	147,4
Тухум, млн дона	1 626,0	105,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	309,5	107,8
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	738,9	102,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	577,6	109,3
Жун, тонна	1 237,7	128,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	284,2	131,5
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	812,6	120,5
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	140,9	201,3
Қоракўл тери, минг дона	482,4	105,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	63,2	110,2
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	393,1	103,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	26,1	117,7
Балиқ, минг тонна	21,3	106,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	8,5	110,4
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1,5	110,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	11,3	102,6



2026 йил январь-март ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, етиштирилган гўштнинг умумий ҳажмидан **6,9 %**и фермер хўжаликлари ҳиссасига, **83,4 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **9,7 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунга мос равишда соғиб олинган сутнинг **9,8 %**и фермер хўжаликлари, **87,7 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **2,5 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, олинган тухумнинг **19,0 %**и фермер хўжаликларига, **45,5 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **35,5 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг **23,0 %**и фермер хўжаликлари, **65,6 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **11,4 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қорақўл терининг **13,1 %**и фермер хўжаликларига, **81,5 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **5,4 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг **39,9 %**и фермер хўжаликларига, **7,0 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **53,1 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.

2026 йил январь–март ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Гўшт (тирик вазнда) (минг тонна)	Сут (минг тонна)	Тухум, млн дона	Балиқ (минг тонна)
Ўзбекистон Республикаси	580,2	2 142,2	1 626,0	21,3
Қорақалпоғистон Республикаси	17,5	59,8	86,1	0,9
Андижон вилояти	49,4	120,9	62,3	1,7
Бухоро вилояти	55,8	227,9	99,2	0,9
Жиззах вилояти	39,5	134,0	68,9	3,5
Қашқадарё вилояти	49,1	164,0	100,3	0,5
Навоий вилояти	33,7	96,7	99,4	1,5
Наманган вилояти	32,1	131,2	162,1	1,2
Самарқанд вилояти	75,7	312,3	268,6	0,5
Сурхондарё вилояти	40,5	162,5	136,0	0,6
Сирдарё вилояти	17,0	65,1	46,9	1,3
Тошкент вилояти	77,9	179,3	271,4	3,3
Фарғона вилояти	44,4	256,9	122,1	1,0
Хоразм вилояти	47,5	231,6	102,7	4,5

IV. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича услубий тушунтиришлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Моллар бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шундан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

Гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут етиштириш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи соғиб олишга киритилмайди.

Тухум етиштириш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуқлар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://lib.stat.uz/uz/features/qishloq-xo-jaligi-va-ekologiya/685-qishloq-o-rmon-va-baliqchilik-xo-jaligi-mahsulot-xizmat-lari-yalpi-ishlab-chiqarishini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom-2>

Тайёрлаш учун масъул:
Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит
статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63;

Алоқа учун: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1230)

